



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2018 йил “5” *декабрь* № *987*

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**  
**2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сонли қарори**  
**ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 04.12.2018 йилдаги 05/1-4413-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 04.12.2018 йилдаги 05/1-4413-сон топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), Педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (К.Гафуров)га 2019 йилнинг 1 февралига қадар сув таъминоти ва канализация корхоналарининг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини (қўшма факультетлар) очиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова) 2019 йилнинг 15 январига қадар қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.



О.Абдурахманов

000000